



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

**Выпуск №41-3
(август, 2023)**



Международный научно-образовательный
электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

ISSN 2782-4365

УДК 37

ББК 94

**Международный научно-образовательный электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №41-3 (август, 2023).
Дата выхода в свет: 21.08.2023.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

Артикова Мухайохон Ботиралиевна	доктор педагогических наук, доцент
Ахмедов Ботиржон Равшанович	доктор философии в филолог. науках (PhD), доцент
Батурин Сергей Петрович	кандидат исторических наук, доцент
Бекжанова Айнура Мархабаевна	доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент
Боброва Людмила Владимировна	кандидат технических наук, доцент
Богданова Татьяна Владимировна	кандидат филологических наук, доцент
Демьянова Людмила Михайловна	кандидат медицинских наук, доцент
Еремеева Людмила Эмировна	кандидат технических наук, доцент
Жуманова Фатима Ураловна	кандидат педагогических наук, доцент
Засядько Константин Иванович	доктор медицинских наук, профессор
Колесников Олег Михайлович	кандидат физико-математических наук, доцент
Коробейникова Екатерина Викторовна	кандидат экономических наук, доцент
Ланцева Татьяна Георгиевна	кандидат экономических наук, доцент
Нобель Артем Робертович	кандидат юридических наук, доцент
Ноздрина Наталья Александровна	кандидат педагогических наук, доцент
Нуржанов Сабит Узакбаевич	доктор историч. наук (dsc), старший научный сотрудник
Павлов Евгений Владимирович	кандидат исторических наук, доцент
Петрова Юлия Валентиновна	кандидат биологических наук, доцент
Попов Сергей Викторович	доктор юридических наук, профессор
Расулходжаева Мадина Ахмаджоновна	доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент
Рахматова Фотима Ганиевна	доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент
Таспанова Жыгагул Кенжебаевна	доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент
Табашникова Ольга Львовна	кандидат экономических наук, доцент
Тюрин Александр Николаевич	кандидат географических наук, доцент
Уразова Лариса Карамовна	кандидат исторических наук, доцент
Усубалиева Айнура Абдыжапаровна	кандидат социологических наук, доцент
Фаттахова Ольга Михайловна	кандидат технических наук, доцент
Хожиев Шохрух Тошпулатович	доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент
Худайкулов Хол Джумаевич	доктор педагогических наук, профессор
Эшназаров Журакул	кандидат педагогических наук, профессор
Эшназарова Фарида Журакуловна	доктор философии по философии (PhD)

ЗАРПЕЧАК (CUSCUTA L.) ТАРҚАЛИШИНING БОШҚА БЕГОНА ЎТЛАРГА БОҒЛИҚЛИГИ

Тоғаев Шохрух

АГТУ талабаси

Аннотация. Мақолада зарпечакнинг тарқалиши бошқа бегона ўтлар билан боғлиқлиги ўрганилиб, махсар экини орасида учрайдиган бошқа бегона ўтларга илашиб ўсиб, зарпечак паразит бегона ўтининг тарқалишига боғлиқлиги кузатилди.

Калит сўзлар: бегона ўт, зарпечак, паразит, бир йиллик, кўп йиллик, махсар, препарат.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатни хом ашёга бўлган талабини қондиришда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти жуда ҳам катта. Илмий - техник юксалиш ва саноатни жадал ривожланиши деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш имкониятини яратади. Бу борада экинларни етиштириш агротехнологиясининг ажралмас қисми ҳисобланган ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш ўзига хос ўрин тутди. Паразит организмлар (вирус, микоплазма, бактерия, замбуруғлар) кўзғатадиган ўсимлик касалликларига қарши самарали кураш чоралари ишлаб чиқилиб, улар келтирадиган зарарини ҳозирги вақтда анча камайтиришга эришилган. Лекин, юксак ўсимликларга кирувчи гулли паразитларга қарши етарли даражада кураш чоралари ишлаб чиқилмаган. Хусусан, зарпечакни оладиган бўлсак, бу паразит ўсимлик ҳозиргача карантин объекти ҳисоблансада, Ўзбекистон ҳудудида зарпечак бўлмаган бирорта хўжаликни топиш қийин. Хўжаликлар ўз даласидаги зарпечакни турли кураш чоралари ёрдамида йўқотсада, аммо буларнинг даласига паразит қўшни хўжалик, туман, вилоят ёки чегарадош давлат ҳудудларидаги далалардан уруғи орқали, ҳар хил бошқа йўллار билан кириб келмоқда.

Зарпечак карантин бегона ўтининг зарари натижасида мойли экинлар (махсар, зиғир) ҳосилдорлиги сифати ва ёғлилик даражаси пасайтиради. Айниқса, махсар ва зиғир зарпечак бегона ўтидан катта зиён кўрмоқда. Ушбу мойли экинларни зарпечакдан ҳимоя қилиш тадбирлари ўз вақтида олиб борилмаса, уларнинг ҳосилдорлиги 40-50% гача йўқотилади. Зарпечак ички карантин объекти бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортига ҳам салбий таъсир қилади. Шу сабабли мойли экинларда паразитлик

қилувчи зарпечакка қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Зарпечакларнинг кўплаб ўсимлик турларида паразит бўлиб яшашга мослашганлиги, серуруғ бўлиши, уруғ унувчанлигини узоқ муддат сақлай олиши поясини осон узилиши ва унинг ёрдамида кучли вегетатив кўпайиши, тарқалиш йўллари турли туманлиги ҳамда лалмикор майдонларда ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг чорва моллари орқали ҳам тарқалиши мумкин. Шу сабабли зарпечакларга қарши кураш бир мунча мураккабдир.

Зарпечак турларига қарши бир қатор кураш чоралари яъни биологик, агротехник, профилактик ҳамда кимёвий кураш чоралари ишлаб чиқилган. Бу кураш чоралари орасида кимёвий тадбирлар ўзига хос ўрин тутди. Аммо зарпечакга қарши курашишда кимёвий препаратлар ҳам жуда яхши самара бериши қийин, чунки зарпечак тўлиқ паразит ўсимлик бўлиб, хўжайин ўсимликдан озикланади. Шунини ҳисобига кўп ҳолларда кимёвий препаратлар қўлланганда маданий ўсимликлар ҳам нобуд бўлиши кузатилади.

Зарпечакка қарши қўллаш учун тавсия этилган айрим гербицидлар зарпечакни йўқотишда самарали натижа бериши билан бирга, қишлоқ хўжалик экинларини ҳам қуритган ёки уларнинг ўсиши ва ривожланишига ҳамда ҳосил сифатига салбий таъсир кўрсатган.

Юқоридагиларни инобатга олганда зарпечакга қарши курашишда энг аввало уларни тарқалишини олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун дала ва дала атрофини бегона ўтлар уруғи пишиб етилмасдан тозалаш, экиладиган уруғликни бегона ўт уруғларидан тозалашни аҳамияти каттадир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тадқиқотлар давомида махсар экини орасидаги зарпечак бегона ўти билан бирга бошқа хавфли бегона ўтларни ҳам боғлиқлигини ўрганилди. Натижада бошқа бегона ўтлар тарқалган ерларда зарпечак бегона ўтини ҳам тарқалиши ўрганилди. Ҳамда 1 м² бегона ўтлар сони аниқланди.

Бир йиллик бегона ўтлардан 1 м² шўра - 4,7 донани, зарпечак эса 2,3 донани; олабута - 4,4 донани, зарпечак 2,1 донани; Эспарцет – 5,3 донани, зарпечак – 3,1 донани; Клевер – 4,5 донани, зарпечак – 2,3 донани; ёввойи нўхот– 4,6 донани, зарпечак – 2,4 донани; Янтоқ – 5,1 донани, зарпечак – 3,5 донани ташкил этди. Кўп йиллик бегона ўтлардан 1 м² ёввойи сули – 4,0 донани, зарпечак – 2,3 донани; Қўноқ ўт – 3,5 донани, зарпечак – 2,5 донани; Райграсс – 5,2 донани, зарпечак – 2,0 донани ташкил қилди.



1-расм. Қашқадарё вилояти Қамаши тумани Рустам Нормуродович фермер хўжалиги махсар экилган майдонининг зарпечак билан зарарланиши

1-жадвал

Зарпечак (*Cuscuta L.*) тарқалишининг бошқа бегона ўтларга боғлиқлиги

№	Бегона ўтлар номи	1м ² бегона ўтлар сони, дона	1м ² зарпечак сони, дона
Икки паллали			
1	Шўра	4,7	2,3
2	Олабута	4,4	2,1
3	Эспарцет	5,3	3,1
4	Клевер	4,5	2,3
5	Ёввойи нўхат	4,6	2,4
6	Янтоқ	5,1	3,5
	Ўртача	4,8	2,6
Ғалласимон			
1	Ёввойи сули	4,0	2,3
2	Кўноқ ўт	3,5	2,5
3	Райграс	5,2	2,0
4	Ўртача	4,2	2,3

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки бегона ўтлар уруғлари кўп бўлган айниқса янтоқ кўп бўлган ерларда зарпечак ҳам кўп тарқалган. Демак махсар экини орасида учрайдиган бошқа бегона ўтларга илашиб ўсиб, зарпечак паразит бегона ўтининг тарқалишига боғлиқлиги кузатилди. Барча бегона ўтлар ва зарпечак уруғлари ҳам тупрокда сақланади. Шунинг учун биринчи навбатда тупрокни тозалаш ва тупроқ гербицидларидан фойдаланиш лозим. Зарпечакда барглар ва илдизлар бўлмайди. Улар ўзларининг гаустори сўрғичлари ёрдамида ўсимликларнинг шарбатини сўриб олади. Хўжайин ўсимликдан уни ажратиб олишни иложи бўлмайди. Шунинг учун уларни кўпайишини олдини олиш муҳимдир. Бегона ўтларнинг юқоридаги турлари кўпайиб кетганда зарпечак

ўсиб ривожланишига юқори даражада қулай шароит бўлганлиги кузатилди. Шунинг учун бегона ўтларни миқдорини камайтириш орқали ҳам зарпечак кенг тарқалишини нисбатан камайтириш мумкинлиги кузатилди. Махсар экинини экиш билан бирга ва ўсув даврида бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланилганда зарпечак бегона ўти ҳам нобуд бўлиши кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари – Тошкент, 2007. 147 б.
2. Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта”, Москва. “Колос” -1985.– С.415–418.
3. Turdieva N. and others Biological Efficiency Of Herbicide (Elymis) Against Weeds In Crops Corn. International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN: 2643-640X Vol. 5 Issue 3, March - 2021, Pages: 179-182.